

INSON O'ZGARSA - JAMIYAT O'ZGARADI

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ



milliy

tiklanish

№ 7 (1109) 2021 йил 24 февраль, чоршанба 1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

www.mf.uz / gazeta@mf.uz / mftiklanish@mail.ru

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ БИРЛАМЧИ ВАЗИФА



Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида Ўзбекистоннинг энг олий мақсади Ҳазрати инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари экани қайта-қайта таъкидланаётгани бежиз эмас.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ана шу мақсадга эришиш йўлидаги қатъияти, халқимизнинг оғир меҳнати туфайли ҳам Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий органларидан бири – Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзолик қабул қилинди. Бу юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланаётганининг халқаро эътирофи албатта.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАДАГИ ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОН ҲАЁТ УЧУН ҲАМ ЎЗ ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ ТЕРАН ҲИС ЭТАШТИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида Марказий Осиё минтақаси халқлари манфаатига дахлдор ташаббуслар илгари сурилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, кейинги йилларда Ўзбекистон ўзининг минтақадаги мавқеини сезиларли даражада мустаҳкамлаб, инсон ҳуқуқлари

Биргина ўтган йилнинг ўзида 50 минг нафар ватандошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди, бу йил яна 20 мингдан зиёд киши фуқароликка эга бўлади.

бўйича ҳам самарали ишларни амалга ошира бошлади. Бу эса Давлат раҳбарининг Марказий Осиё мамлакатлари билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни мазмун ва сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш ҳақидаги фикрларининг ҳаётга кўчаётганидан далолат беради. Шунинг учун ҳам жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистон раҳбари ва мамлакат танлаган йўлни эътироф этмоқда.

Давоми 3-бетда

Янги Ўзбекистон дарвозалари очилди



Демократик ислохотларимиз Янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган бўлиб, бу ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи

Ҳурматли раис Нажот Шамим Хон хонимлари!
Ҳурматли Олий комиссар Мишель Бачелет хонимлари!
Хонимлар ва жаноблар!
Бугун Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида ушбу учрашувда биринчи марта иштирок этмоқда.

Ҳамкорликни давом эттираемиз.
Ҳурматли анжуман иштирокчилари!
Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва Кенгаш доирасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислохотларда энг муҳим ўринда туради.

2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган «хеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик» тамойили асосида амалга оширилади.

Бу ўринда сўз Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси экспертларининг фаол иштирокида ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни амалга ошириш тўғрисида бормоқда.

Иккинчидан, биз гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттираемиз.

Жорий йилда Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларнинг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказишни режалаштирмоқдамиз.

Учинчидан, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилади.

Яқинда Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги янги қонун кучга кирди. Ўзбекистон Парламенти Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиши кутилмоқда.

Биз имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тула рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузишни таклиф этамиз.

Тўртинчидан, аҳолимизнинг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Жорий йил Ўзбекистонда ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилинди.

Бу борада биз:

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш;

- БМТ Иқтисодий ва ижтимоий Кенгашининг ўнинчи форумида ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш;

шунингдек, ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш масаласини киритишга тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Бешинчидан, биз Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда мажбурий

меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича катта ишларни амалга оширдик. Бу ислохотларимиздаги энг асосий ютуқларимиздан бири бўлди.

2021 йилда, яъни Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йилида Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонунни қабул қиламиз.

Олтинчидан, «Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим» декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб биз Олий комиссар бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказишни таклиф этамиз.

Ўқитиш тизимини ривожлантириш мақсадида БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ихтиёрий бадаллар жамғармасига ўз хиссамизни қўшмоқчимиз.

Еттинчидан, Бош котиб Антониу Гутерриш Жаноби Олийларининг фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаймиз.

Биргина ўтган йилнинг ўзида 50 минг нафар ватандошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди, бу йил яна 20 мингдан зиёд киши фуқароликка эга бўлади.

Хонимлар ва жаноблар!
Биз эришган натижаларимиз билан қифояланиб қолмасдан, бундан буён ҳам фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, Ўзбекистонда сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни қатъий мақсад қилганмиз.


Давоми 2-бетда

СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ВОЗ КЕЧИБ БЎЛМАС ШАРТИДИР 2с.




Ё БУГУН 3. ЁКИ ҲЕЧ ҚАЧОН

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ 5



✓ **Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэтироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради.**



(Бошланғичи 1-бетда)

Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи

Шу аснода нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари тўғрисида кодекслар ишлаб чиқилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дин ёки эътиқод эркинлиги, судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиларининг тавсияларини алоҳида эътиборга олганмиз.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга **Судьялар кенгашлари** фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизми жорий этиш доирасида биз одамнинг

қадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўймаймиз. Бундай жиноятлар қачон содир этилганидан қатъи назар, улар учун жазо муқаррардир.

Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколини ратификация қиламиз.

Мазкур масалалар юзасидан ҳамкорликда ишлаш мақсадида Қийноқлар масаласи бўйича махсус маърузачини Ўзбекистонга таклиф этишга тайёргарлик кўряпмиз.

Хурматли йнгиллиш иштирокчилари!
Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари

соҳасидаги халқаро мажбуриятларига қатъий содиқ қолади.

Шу билан бирга, биз инсон ҳуқуқлари борасида ҳали улкан йўлнинг бошида турганимизни яхши тушунамиз ва халқаро ҳамкорларимизнинг қўллаб-қувватлашига умид қиламиз. Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Мишель Бачелет хонимларининг юртимизга ташрифини кутиб қоламиз.

Бу борада мандатга эга бўлган барча вакилларнинг Ўзбекистонга ташриф буюришлари учун доимий таклифнома юбориш ҳақида қарорни қабул қиламиз.

Шунингдек, Осиё қитъасининг инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизми мунтазам фаолият кўрсатадиган

платформа – Самарқанд форуми негизида яратиш борасида кўмак беришга тайёрмиз.

Хурматли дўстлар!

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75 йиллик тарихи инсон ҳуқуқлари универсал қадрият эканини яққол исботлади. Бу устувор тамойилсиз ер юзида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди.

Нутқимнинг якунида шунини яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэтироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради.** Эътиборингиз учун раҳмат.

✓ **Муносабат**

СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ВОЗ КЕЧИБ БЎЛМАС ШАРТИДИР

Ҳокимиятнинг ягона манбаи инсонлардир. Уларнинг – ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланиши жамиятнинг хотиржамлиги ва тараққиётини таъминлайди. Аслида Инсон ҳуқуқини таъминлаш моҳиятан ҳар қандай ҳокимиятнинг фундаментал вазифаси бўлиши керак.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Женева шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги маърузасида мазмунан айнан ана шу фикр таъкидланди. Ҳатто ҳайвонни камситишни таъқиқлаган динга эътиқод қилувчи халқнинг инсонга азоб бериши, қийноққа солиши, бола ёки аёлни таъқирлашдек муаммоси бўлиши мумкинми?

Афсуски, кейинги юз, юз эллик йил мобайнида маърифатни рад этиш, тарбияни унуттириш, минглаб йиллар давомида қаноатлардан воз кечиш оқибатида ўзини танимайдиган халққа айланиб қолдик. Беш ёшдан муқаддас китобларни ёд олган Бухорий ва Навоийлар авлодининг қўлидаги китобларни юлиб олиб, ўзини чанг босган пахта даласига ҳайдадик. Илм-маърифат тарқатувчиси саналган ўқитувчиларни энг ҳақир касбга айлантириб, оёқости қилдик, уларга кўча тозалатдик!


Бугунга келиб эса, чумолига озор беришни гуноҳ деб билган халқ ичида инсон чонга азоб беришдан завқланадиганлар,

онасининг розилигисиз икки дунёси куйиб кетишига эътиқод қиладиган халқ ичида аёлни таъқирлашдан гурурланадиганлар, "тирноққа зорлик"ни қарғиш деб билладиган халқ ичида болани хўрлайдиганлар ҳам учраётганини кўриб ҳайрон бўлаяпмиз. Бу – биз эмасмиз.

Президент ҳар имкониятда жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистонда уйғониш даври бошланганини, ўзбек халқи ўзлигига қайтиш йўлида жадал ислохотларни бошидан кечириётганлигини, машаққатли ўзгаришлар даврида эса ҳамкорларимизнинг қўллаб-қувватлашларидан умид қилаётганини таъкидлаш билан бирга, сўз эркинлигини тараққиётнинг воз кечиш бўлмас шарт сифатида эътироф этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу жуда чуқур маъноли ва мазмунли эътироф. Ўзбек халқи сўз эркинлигини теран англайдиган, ундан адолатни оёқости қилиш эмас, балки ҳимоя учун фойдаланадиган халқдир. Айнан шу маънода қадриятлари тикланаётган Янги Ўзбекистонда инсонни қадрлаш ва сўз эркинлигини таъминлашда йўл кўрсатувчи эмас, вақт керак, холос.

Алишер ҚОДИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,
Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОШ ҲОЯСИ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ



Акmal ЖУМАБОВЕВ,
Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси ўринбосари

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг 46-сессиясидаги маърузаси 2016 йили белгилаб олинган устувор вазифаларнинг Янги Ўзбекистон учун мавсумий эмаслигини, бугунги ислохотлар замирида одамларни рози қилиш ғояси мужассам экани ва ислохотларнинг орта қайтмаслигини намоён этди, дейиш мумкин.

Маърузада, шунингдек, юртимизда алоҳида эҳтиёжга эга бўлган фуқаролар ҳуқуқини таъминлашга жуда катта эътибор қаратилаётгани, болалар меҳнати, гендер тенглиги борасида олиб борилаётган ишлар изчил давом эттирилиши таъкидланиб, Марказий Осиё минтақасида ушбу масалаларда барқарорликни

таъминлашга доир таклифлар берилгани Ўзбекистоннинг минтақа тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги учун жуда катта масъулият ҳис этаётганини ҳам аниқлади, албатта.

Буни Давлатимиз раҳбарининг имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятларини тўла рўйбга чиқариш масалалари бўйича минтақавий кенгаш тузиш тўғрисидаги таклифи ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистонда 2021 йили «Болалар Омбудсмени тўғрисида» эги қонуннинг қабул қилиниши, Парламент томонидан «Ногиронлар тўғрисидаги Конвенцияни» ратификация қилиши кутилаётгани ҳам Ўзбекистоннинг болалар меҳнати бўйича ўзининг қатъий позициясига эга бўлган мамлакатга айланганини кўрсатади.

Президент маъруза-

сида қийноқларнинг ҳар қандай кўриниши кескин қораланиши, бундай жиноятга йўл қўйганлар ушбу жиноятни қачон содир этганларидан қатъий назар жазоланишлари муқаррар эканига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этиш жоизки, дунёнинг элликка яқин мамлакати аъзо бўлган ушбу кенгашга бирон-бир давлатнинг қабул қилиниши ўша давлатнинг демократик давлат сифатида эътироф этилаётганини аниқлади.

Тан олиш керакки, ушбу кенгаш 2016 йилгача юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кузатилган кўплаб муаммоли ҳолатларга нисбатан ўзининг кескин муносабатини билдириб келган. Шу маънода, Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли кенгашга қабул қилиниши юртимизга бўлган муносабатнинг ўзгарганига ҳам ишорадир.

(Бошланғичи 1-бетда)

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ БИРЛАМЧИ ВАЗИФАМИЗ

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида ушбу учрашувда биринчи марта иштирок этган бўлса-да, Давлатимиз раҳбарига биринчи бўлиб нутқ сўзлаш имконияти берилгани ҳамда нутқнинг ўзбек тилида янграгани миллионлаб юртдошларимиз қалбини гурурга тўлдирди. Бу айни пайтда юртимизнинг обрў-эътибори халқаро майдонда тобора ортиб бораётганлигидан ҳам далолатдир.

Давлатимиз раҳбари нутқидан сўнги йилларда мамлакатимизда инсонни эъзозлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш каби саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш, халқимизнинг розилигини олишда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётганлиги таъкидланди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришларга содиқлигини намоёйиш

қилиш, юртимизда кечаётган улкан ўзгаришлар ва янгилинишлар даврида аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бирламчи вазифаларимиздан бўлиб қолаверди.

Фарход ЗАЙНИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси



Адашиб партия сафига кириб қолганлар ёхуд партиянинг нотўғри танлови билан депутатликка сайланиб қолганлар фаолиятига ҳолис баҳо берилади. Зиммамдаги вазифаларни эрта ёки индинга бажараман дейётганлар қаттиқ адашадилар. Бугун жонимизни жабборга бериб халқимиз учун ишлаймиз ёки партия сафидан чиқамиз.

Ё БУГУН ЁКИ ҲЕЧ ҚАЧОН

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг IV Пленумида партиянинг ўтган даврдаги фаолияти танқидий таҳлил этилиб, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2 февраль куни сиёсий партиялар вакиллари билан учрашувидаги таклиф ва тавсиялари асосида яқин келажакдаги вазифалари белгилаб олинди.

Пленумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, партия Марказий кенгаши раиси Алишер Қодиров сўзга чиқиб, партия ва партия фракцияси олдиде турган вазифалар ҳар бир партия аъзоси зиммасига жуда катта масъулият юклаётганини, бугунги ўзгариш ва янгиланишлар даврида бир дақиқа бўлса-да эътиборсизликка берилиш сайловлар даврида партиянинг ғоя ва мақсадларини қўллаб-қувватлаган миллионлаб юртдошларимизга хиёнат қилиш билан баробар эканини таъкидлади.

— Тўғри, ўтган бир йилдан зиёдроқ вақт давомида Сайловлар давридаги 53 та банднинг ижро қилинишига эришдик, партиянинг «Уймай» лойиҳаси доирасида 12 мингдан зиёд хонадонга кириб бордик. 1500 дан ортиқ ёшларни иш билан таъминлашга, 910 нафар ёшларга эса 1,5 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредит олишлариغا кўмаклашдик, — деди Алишер Қодиров. — Аммо бугун сиёсий партиялар, айниқса, депутатлик корпусига бундай рақамларни ўн қарра ошириш

имкони яратилганини унутмаслигимиз керак. Жорий йил Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзолари учун аҳолининг камбағаллик даражасини қисқартириш, таълим тизимларидаги муаммолар ечими устида тинимсиз ишлаш, ёшлар ва аёлларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш йилига айланиши керак.

Пленумда сиёсий майдонда кучайиб бораётган рақобат, партиянинг ахборот сиёсати ва мафкуравий фаолиятини бутунлай қайта кўриб чиқиш масалаларига муҳокама этилди.

Zoom иловаси асосида ташкил этилган Пленумда ҳисобот даврида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракцияси ҳамда халқ депутатлари Хоразм ва Бухоро вилоят кенгашларидаги партия гуруҳлари, шунингдек, халқ депутатлари Хўжайли, Нукус, Ғиждувон, Бахмал, Дўстлик, Шароф Рашидов, Ғаллаорол, Зарбдор, Зафаробод, Нарпай, Нуробод, Каттақўрғон, Ховос, Сирдарё, Юқори Чирчиқ, Фарғона, Фурқат, Ғузор, Косон, Нишон ҳамда Бекте-

мир туман кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан маҳаллий кенгаш сессияларига бирорта масала киритилмагани кескин танқид қилинди.

Пленумда таъкидланганидек, ҳар бир бўғиндаги партия аъзолари, депутатлар бугунги ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланиши керак. Адашиб партия сафига кириб қолганлар ёхуд партиянинг нотўғри танлови билан депутатликка сайланиб қолганлар фаолиятига ҳолис баҳо берилади. Зиммамдаги вазифаларни эрта ёки индинга бажараман дейётганлар қаттиқ адашадилар. Бугун жонимизни жабборга бериб халқимиз учун ишлаймиз ёки партия сафидан чиқамиз.

Пленумда партия Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Нодир Мухторов, ўринбосарлар Феруза Мухаммеджанова, Миродил Абдурахмонов ва Акмал Жумабоевлар ҳам сўзга чиқиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

Пленумда Марказий кенгаш ҳузурида Илмий-маслаҳат ва экспертлик жамоатчилиги



кенгашини тузиш ҳақидаги таклиф маъқулланиб, унинг раислигига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партия фракцияси аъзоси Хуршид Дўстмухаммад сайланди. Партия Марказий кенгаши ҳамда Марказий кенгаш Ижроия кўмитаси аъзолари таркибига ҳам ўзгартишлар киритилди.

Шу ўринда Марказий кенгаш ва Ижроия кўмита аъзоларига Ёшлар парламентига сайланган депутатлар ҳам киритилганини қайд этиш жоиз. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар,

туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлигига партиядан номзодлар кўрсатиш йўриқномаси тасдиқланди. Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси ва сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашувида билдирилган таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб «Йўл харитаси» қабул қилинди.

Партиянинг «Аёллар қаноти» ва «Ёшлар қаноти» фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида ушбу тузилманинг янги тахирдаги Низоми ҳам тасдиқланди.

Пленумда, шунингдек, партия тузилмасига вилоят кенгашлари раисларининг ахборот ва мафкура масалалари

бўйича ўринбосарлари штатини киритиш таклифи ҳам бир овоздан маъқулланди. Тадбирда партиянинг Хоразм, Навоий ва Андижон вилоят кенгашлари раислари Ражаббой Рўзметов, Илхом Ражабов ва Ҳамиджон Омановлар сўзга чиқиб, ҳудудий кенгашлар фаолиятини янада жонлантириш бўйича ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир якунида партия сафига қабул қилинган янги аъзоларга гувоҳномалар топширилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Ахборот хизмати

✓ Акс-садо

БУГУНГИ НАТИЖАЛАР ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАНИ БИЛАН БОҒЛИҚ

Юртбошимиз маърузасида 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган «ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик» тамойили асосида амалга оширилиши бежиз таъкидланмади, албатта.

Шунингдек, маърузада ишбилармонлик соҳасида аёллар ролини тубдан оширишга қаратилган ишларнинг қатъий давом эттирилиши, хусусан, жорий йилда Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказиш режалаштирилган хусусида ҳам сўз юритилди.

Шу ўринда гендер сиёсати масалалари бугунги ислохотларнинг муҳим бўғинига айланиганини орасинилларимиз ўз ҳаётларида ҳис этаётганларини айтиш жоиз. Оила ва атрофдагилар томонидан тазйиққа учраган хотин-қизларга эса

«Ҳимоя ордери» берилаётгани ҳам юртимизда аёлларнинг кадр-қиммати ва манфаатлари устувор эканини аниқлади.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларга муносиб иш ўринлари яратиш жараёнида маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ҳам фаол иш олиб бораётдилар. Масалан, Ғиждувон туманидаги 30-Бобур сайлов округидан халқ депутатлари Ғиждувон туман Кенгаши депутатлигига сайланган Истат Камолованинг бевосита аралашуви билан тумандаги 3 694 нафар аёл «Аёллар дафтари»га киритилди. Шундан 3 278 нафар опа-сингилларимиз ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлиб, шу кунгача мазкур дафтарга киритилган 840 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, боқувчисини йўқотган 61 нафар аёлга моддий ёрдам ҳам кўрсатилди.

Айтмоқчиманки, кўплаб аёлларимиз оилавий йомушлардан ортиб, фаол сиёсатчи, фаол партия аъзоси, фаол депутат сифатида ҳам ўз имкониятларини намоён этмоқдалар. Бу эса Давлатимиз раҳбари маърузасида келтирилган мисоллар


ҳаётимиздан олинганини кўрсатади, албатта.

Маърузада, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари ҳам давом эттирилиши ҳақида гапирилди.

Зеро, сўз ва матбуот эркинлигини таъминламасдан туриб бугунги натижаларга эришиб бўлмасди. Камчилик ва нуқсонлар, жамият ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолар, энг муҳими инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳам айнан сўз эркинлиги тўғрисида эришилапти. Кейинги йиллардаги ўзгаришлар ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Шу ўринда ҳудудлардаги муаммоларни аниқлаш ва уларга ечим топишда маҳаллий кенгаш депутатларидан тортиб, Сенаторларга ҳам бирдек масъулият юклатила бошлангани ниҳоят депутатлик корпуси имкониятларидан тўғри фойдаланаётганимизни аниқлади.

Давлатимиз раҳбарининг нуфузли анжуманидаги маърузасида илгари сурилган ташаббуслар эса ҳали олдимизда жуда катта вазифалар турганини кўрсатади, албатта.



Абира ҲУСЕЙНОВА, Сенатор, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши аъзоси

ОДИЛЖОН ТОЖИЕВ СПИКЕРНИНГ ЯНГИ ЎРИНБОСАРИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда депутатлар парламент фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган масалани кўриб чиқдилар.

Ахборот майдонида депутатларнинг иштирокини янада кенгайтириш, парламент аъзоларининг жамиятда ахборот сиёсатини олиб боришдаги фаолиятининг самарали тизимини янада мувофиқлаштириб боради. Ушбу лавозимга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг Рақамли ривожланиш ва ахборот сиёсати масалалари бўйича ўринбосари Одилжон Тожиевнинг лавозими тасвис этилмоқда. Спикернинг янги ўринбосари давлат ва жамият курилишининг барча соҳаларига рақамли технологияларни кенгайтириш жорий қилиш ишларини мувофиқлаштириш,

парламент ва ҳокимият вакиллик органларининг давлат ахборот сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этиш жараёнидаги фаол иштирокини таъминлашга масъул бўлади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва сиёсий партиялар фракциялари томонидан амалга оширилаётган ахборот-таҳлил фаолиятига оид ишларни мувофиқлаштириб боради. Ушбу лавозимга Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар ва ахборот сиёсати бўйича ўринбосари Одилжон Тожиевнинг номзоди кўйилди. Кўпчиликнинг овози билан О.Тожиевнинг номзоди Рақамли ривожланиш ва ахборот сиёсати масалалари бўйича Спикер ўринбосари лавозимига сайланди.

P.S. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг кўп сонли аъзолари номидан Одилжон Тожиевни навбатдаги ишонч, навбатдаги вазифа билан таъинлаб, келгусидаги ишларига омадлар тилаб қоламиз!



(Бошланиши 1-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАДАГИ ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОН ҲАЁТ УЧУН ҲАМ ЎЗ ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ ТЕРАН ҲИС ЭТЯПТИ

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида ҳам Ўзбекистон 2020 йилнинг 13 октябрида эркинлик, қонун устуворлиги ва адолатни тарғиб қилиш, шунингдек, жаҳон бўйлаб бу борадаги вазиятни назорат қилиб, ҳукуматларга кўрсатма ва тавсиялар бериш билан шугулланувчи БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгашига қабул қилинди.

Президентимиз нутқида ушбу йўналишдаги ислохотлар янада фаоллашиши алоҳида таъкид-

лангани эса мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари борасида ҳали улкан йўлнинг бошида турганимизни ҳам аниқлади. Бу борадаги ислохотлар қатъий давом эттирилишига эса партиямиз фаоллари ҳам муносиб ҳисса қўшадилар.

Тажибай РОМАНОВ, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси

ОШКОРАЛИК ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ – ДАВР ВА ИСЛОҲОТЛАР ТАЛАБИ



Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, мамлакатимизда янги Ренессанс пойдеворини шакллантириш инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган кенг ва чуқур демократик ислохотларга асосланади. Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида алоҳида қайд этилди.

Сўнги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш, қонун олдида тенгликни таъминлаш, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегияси қабул қилинди ва амалга оширилмоқда.

Миллий стратегияда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар – қонун устуворлиги, норма ижодкорлиги сифати, ҳукумат фаолияти самарадорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш, бизнесни олиб бориш шарт-шароитлари, глобал рақобатбардошлик, инновацион ривожланиш бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакатлар қаторига киришини таъминлаш бўйича муҳим вазифа қўйилган.

Давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида «Биз эришган натижаларимиз билан кифояланиб қолмасдан, Ўзбекистонда сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни қатъий мақсад қилганмиз», деб қайд этди.

Айнан инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган изчил ислохотлар, мамлакатимизда олиб бо-

рилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар туфайли Ўзбекистон 2020 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлди, АҚШ Давлат департаменти эса, республикамизнинг диний эркинликлар соҳасида «алоҳида қузатувдаги» мамлакатлар рўйхатидан чиқарди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Очiq маълумотлар рейтингидан 125та позицияга кўтарилган ҳолда, 44-ўринни эгаллади. Ислохотларимизнинг яна бир халқаро эътирофи – Иқтисодий эркинлик индексида мамлакатимиз 26та позиция юқорига кўтарилди.

Таниқли сиёсий арбоб, АҚШ асосчиларидан бири, Америка Мустақиллик декларациясининг ҳаммуаллифи Томас Жефферсон «Бизнинг эркинликимиз матбуот эркинлигига боғлиқ, агарда матбуот эркинлиги чекланса, бу йўқотиш дедмақдир», деб қайд этган эди.

Президентимизнинг журналистларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши самарасида, оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда юз бераётган кенг қўламли ислохотларни ҳолис ёритиш билан бир қаторда ҳукумат идоралари ва жамоатчилик эътиборини жойлардаги долзарб муаммоларга жалб қилмоқда ва барча даражадаги раҳбарларни ушбу муаммоларни ҳал қилишга

ундашмоқда. Бугунги кунда улар тобора «тўртинчи ҳокимият»га айланмоқда.

Оммавий ахборот воситалари қабул қилинаётган ҳужжатлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда тобора фаол иштирок этишмоқда. Хусусан, бу жараёнга ОАВ ни жалб қилган ҳолда, жамоатчилик эшитувлари ва жамоатчилик мониторинги тизими жорий этилмоқда. Демократик ислохотлар самарасида, матбуот ва электрон оммавий ахборот воситалари мансабдор шахсларни ўз ишини қонун доирасида амалга оширишга ундамоқда.

Матбуот, телевидение, радио инсонларнинг юз бераётган воқеаларга нисбатан муносабатлари, ўз позициялари, фикрлари ва ғоялари эркин ифодалаш учун жамоатчилик минбарини шакллантиришмоқда. Ҳозирги кунда ҳар бир давлат органи ҳузурда жамоатчиликка тўла ва ҳолис маълумотни етказиш мақсадида матбуот-хизмати ташкил этилган.

Интернетнинг кенг имкониятларга эга эканлигини ҳисобга олиб, медиа соҳада ахборот-коммуникация технологиялари, онлайн-журналистикани ривожлантиришга тобора катта аҳамият қаратилмоқда. Бу, айниқса, коронавирус пандемияси шароитида кўп сезилди. Онлайн-журналистика ўз

позицияларини сифатли ва сон жиҳатдан салмоқли яхшиламоқда. Ахборот тақдим этишдаги тезкорлик – унинг муҳим афзаллиги саналади.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос жиҳати уларнинг ахборотларни мамлакатимизда истиқомат қиладиган миллатлар ва халқлар учун етти тилда ёритилиши ва чоп этилишидир.

Ҳолис журналистлар ва блогерларнинг одил танқиди «эскича» ишлаётган раҳбарларга иш услубларини ўзгартириш ва ўз масъулиятларини оширишга мажбур қилган ҳолда, уларнинг хато ва камчиликларини кўрсатиб бермоқда.

Сўнги йилларда амалга оширилган ислохотлар мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш сиёсатида қатъий содиқлигини далolatдир. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэтироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қиладиган фаол илгари суради.

Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
журналист
ЎЗА



Атоқли
ОЛИМ ЁДИ

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида таниқли шарқшунос олим, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси ёшлар мураббийи Убайдулла Уватов таваллуд кuni муносабати билан илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

«Убайдулла Уватов – манбашунослик ва ҳадисшунослик дарғаси» мавзусидаги тадбирда давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан ва маданият намояндалари, олимнинг яқинлари, шогирдлари, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси биринчи проректори Шуҳрат Ёвқочев, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмоноҳон Алимов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича кўмита раисининг биринчи ўринбосари Музаффар Комилов, олим Аҳаджон Ҳасанов ва бошқалар

Убайдулла Уватов жамиятимиз миллий юксалишига муносиб ҳисса қўшганини таъкидлади. Дарҳақиқат, ислом тарихи ва манбашунослик ривожига Убайдулла Уватовнинг хизматлари беқиёс. Устоз кенг феъл, очiq кўнгил, меҳнатсевар, маърифатпарвар инсон сифатида илм аҳли, шогирдлари, олимлар ёдида қолган. Бутун умрини илм-фанга бахшида қилган атоқли олим мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни воёга етказишда самарали фаолият кўрсатди.

Заҳматқаш олимнинг ҳалол меҳнати, самарали фаолияти, ёшлар таълим-тарбиясига қўшган беқиёс ҳиссаси давлатимиз томонидан муносиб қадрланиб, 2009 йил «Меҳнат шуҳрати» ордени, 2017 йил «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи» фахрий унвони, 2020 йил «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланган эди. Анжуманда устознинг бой илмий-маънавий фаолияти, қолдирган бебаҳо маънавий мероси ҳақида сўз юритилди. «Ибратли умр», «Юсак ғайрат соҳиби», «Имом Бухорий ва Имом Термизий билимдони» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

У.Уватов хотирасини абадийлаштириш мақсадида академияда ташкил этилган спорт мусобақалари ғолиблари тақдирланди. Анжуман доирасида Убайдулла Уватов муаллифлигидаги китоблар тақдироти ва кўргазмаси ташкил этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА


✓ Жараён

ЎЗБЕКИСТОН – БЕЛАРУСЬ МИНТАҚАЛАРАРО ҲАМКОРЛИК БИТИМИ КУЧГА КИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Беларусь Республикасига расмий ташрифи доирасида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Беларусь Республикаси Ҳукумати ўртасидаги минтақалараро ҳамкорлик тўғрисида Битим кучга кирди.

Битим икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш соҳаларида алоқаларни ривожлантириш ва фаоллаштиришга хизмат қиладиган.

Ҳужжатда икки давлат минтақалари ўртасида бевосита сайёҳлар алмашинувини ташкил этиш, минтақалар жозибadorлигини оширишга қаратилган туризм соҳасидаги қўшма дастур ва



лойиҳаларни амалга ошириш келишуви акс эттирилган.

Мазкур ҳукуматлараро Битимни амалга ошириш учун Ўзбекистон томонидан – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги масъул этиб белгиланган.

ЎЗА

ЎЗБЕК СЕРИАЛИ ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛ ФОЛИБИ

Болгариянинг София шаҳри мезбонлик қилган анъанавий «Славян эртаги» VIII Кино ва ТВ фестивалида ўзбекистонлик киноижодкорлар томонидан ишланган сериал ҳам тақдирланди.

Ўз навбатида, ушбу фестивалда Сербия, Ливан, Франция, Канада ва Украина каби давлатлар талабалари томонидан ишланган фильмлар ҳам қатнашгани эътиборга лойиқ.


Мазкур фестивалда қатнашиш учун 15 мамла-

катдан 50 дан зиёд фильмлар рўйхатдан ўтди, турли номинациялар бўйича совринлар ўз эгаларига топширилди. Жумладан, Музаффархон Эркинов томонидан суратга олинган «Эзгулик худуди» сериали «Энг яхши режиссерлик иши» номинациясида гран-прини қўлга киритди.

Маълумот ўрнида, «Ўзбек телефильм» кўмагида ишланган мазкур сериал сценарийси Элмира Ҳасанова ҳамда Назар Эшонкулга тегишлидир.



ФОТОФАКТ



Суратдаги ҳолат Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги деҳқон бозоридан олингани хабар қилинапти. Чиндан ҳам ахлатхонага айланган ушбу майдонни деҳқон бозори дейишга тил бормади. Нима бўлганда ҳам юқоридаги суратларга Чортоқ тумани ҳокимлиги мутасаддилари изоҳ берадилар деган умиддамиз. Эки чортоқлик раҳбарлар вилоят ҳокими Шавкатжон Абдураззоқовнинг ана шу ҳудудга кўчиб ўтишига «умид» қиляптиларми?

ЛОЙИХА ТАЙЁР

уни тайёрлаш жараёнига хорижлик экспертлар ҳам жалб этилдилар

— Амалдаги Фуқаролик кодексда мулк ҳуқуқи билан боғлиқ масалаларга кенг ўрин берилган бўлса-да, аксарият нормалар бугунги кун талабларига жавоб бермай қолганди, — дейди юридик фанлари доктори, профессор Нурилло Имомов. — Шунга кўра, Президентимизнинг 2019 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-5464-сонли фармойиши асосида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти томонидан Франция, Польша, Германия ва Россия сингари мамлакатлардан экспертлар жалб этилиб, хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилди ва янги тахрирдаги Фуқаролик кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди.



Лойиҳада жаҳон амалиётдан келиб чиққан ҳолда Фуқаролик кодексдаги учта муҳим институт: инсофли эгалловчи, ашёвий ҳуқуқ ва форс-мажор тушунчалари такомиллаштирилди.

Бундан ташқари, лойиҳага мавжуд нормаларни тизимлаштириш ва мулк ҳуқуқи кафолатларини янада кучайтириш, қолаверса, кодексини тўғридан-тўғри амал қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатга айлантириш мақсадида бир қатор қўшимча ва ўзгаришлар ҳам киритилди.

Утган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабда «Фуқаролик кодекси лойиҳаси муҳокамада: ютуқлар ва қўйилган натижалар» мавзусида илмий-назарий конференция ташкил этилиб, янги тахрирдаги кодекс лойиҳаси яна бир бор муҳокама қилинди.

Қайд этиш жоизки, амалдаги кодексда мулк ҳуқуқи ҳамда бошқа ашёвий ҳуқуқлар биргаликда акс эттирилган бўлса, янги Кодекс лойиҳасида мулк ҳуқуқи оид моддалар алоҳида 11-бобга бирлаштирилди. Бунда ашёвий ҳуқуқларнинг тўлиқ рўйхати берилмагани сабабли мулкдор бўлмаган шахслар ашёвий ҳуқуқларнинг мазмуни ушбу бобдан чиқарилди.

Бундан ташқари, ашёвий ҳуқуқларнинг ҳар бир турига янги тахрирдаги кодексда алоҳида моддалар бағишланиб, уларда тегишли муносабатлар, хусусан ашёвий ҳуқуқларнинг тугатилиши, бошқача ўтиши ва ҳимояси тартибга солинди.



— Мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлаш мақсадида янги тахрирдаги кодексда мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи фақат мазкур Кодексда назарда тутилган асослар бўйича мажбуран тугатилиши мумкинлиги ҳам белгилаб қўйилди, — дейди юридик фанлар доктори, профессор Илҳом Насриев. — Шу ўринда мулк ҳуқуқи дахлсизлигига доир ҳар қандай асосларни фақат мазкур кодексда кўрсатиб ўтиш тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ҳамда иқтисодийёт тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Кодексдан «Мулк шакллари» тушунчаси ҳам чиқарилиб, мулк тушунчаси ягоналаштирилгани таъкидлаш жоиз. Мулк шакл-

ларининг ўрнига мулк ҳуқуқи субъектлари кўрсатилди. Бундай субъектлар қаторига жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан давлат ҳам киритилди.

Кодексни тайёрлаш жараёнида фуқаролик қонунчилигида мулк, унинг субъекти ким бўлишидан қатъий назар бир хил ҳуқуқий мақом ва ҳимоя механизмлари-га эгаллиги, шунга кўра, амалий жиҳатдан мулкни шаклларга ажратиш ҳеч қандай фойда бермаслиги, аксинча, чет эл инвесторларида шубҳа туғдириши мумкинлиги ҳам инобатга олинди.

Бундан ташқари, ҳужжатдан мол-мулк фуқаро, юридик шахс ёки давлат мулки бўлишига қараб, мулк ҳуқуқини, мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқини вужудга келтириш ва бекор қилиш хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилиши ҳақидаги норма чиқариб ташланди, чунки фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида давлат номидан унинг органлари юридик шахс сифатида иштирок этиши ва фуқаролик муносабатлари тарафлари тенг ҳуқуқлилигини инобатга олиб, тегишли аниқлаштиришлар киритилди, шунингдек, мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва бекор бўлишининг якуний асослари белгилаб қўйилди.

Мутахассисларнинг фикрича, юқоридагидек ҳолатларни тартибга солишни бошқа қонун ҳужжатларига ҳавола қилиниши мулк ҳуқуқининг чекланишига, инвесторларда мол-мулкни ҳимоя қилиниши ҳуқуқий тизимига ишонсизлик пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Янги тахрирдаги кодексда, ер (ер участкаси) мулк ҳуқуқи объекти сифатида акс эттирилган бўлиб, унинг мақоми ва бошқа битимлар объекти бўла олиши ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Жумладан, янги тахрирдаги кодексга кўра, ер участкаси мулкдори, агар қонунда бошқа ҳол белгиланган бўлмаса ва бу бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаса, ушбу участка устида ва остида жойлашган ҳар қандай нарсани ўз ихтиёрига кўра ишлатиши мумкинлиги белгиланган. Ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи уни мақсадли ишлатиш талаби, шунингдек, экология ва табиий муҳитни ҳимоя қилиш қоидалари билан чекланиши мумкин. Ер участкасининг мулкдори ва унда жойлашган кўчмас мулкнинг мулкдори битта шахс бўлган тақдирда, ер участкасини ундаги кўчмас мулк объектисиз бегоналаштиришга йўл қўйилмайди.

Давлат мулкидаги ер участкасида жойлашган кўчмас мулкнинг эгаси ушбу ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганининг сабаби «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонундан келиб чиқиб, хусусий мулкдаги ер участкасининг ягона мулк модели жорий этилди.

Бундай қоида МДҲнинг ерга хусусий ҳуқуқ берувчи бир қатор давлатлари ва ГФР, Франция, Бельгия каби мамлакатларнинг фуқаролик кодексларида ҳам мавжудлигини таъкидлаш лозим.

Вилоятхон ШОДИЕВА,
«Миллий тикланиш» муҳбири

2021 йилга мўлжалланган тадбирлар муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 23 февраль куни Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича парламент комиссиясининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Марказий Осиё минтақавий бўлинмаси раҳбари Ришар Коменда билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирдан мақсад Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолиги доирасида 2021 йилда биргаликда амалга оширилиши назарда тутилган режа ва тадбирларни муҳокама қилишдир.

Учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А.Саидов Женева шаҳридан онлайн иштирок этди. Музокара чоғида Р.Комендага Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш соҳасидаги ислохотлар, Ўзбекистоннинг очиклик сиёсати ва Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича парламент комиссиясининг фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Р.Коменда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг куни кеча БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқини жаҳон ҳамжамияти юксак баҳолаганини таъкидлади. — Ўзбекистонда сўнгги йилларда инсон ҳуқуқлари бўйича амалга оширилаётган ислохотлар таҳсинга лойиқ. Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолиги мамлакатнинг учун кенг имкониятларни беради. Ишонч билан айта оламаники, Янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган демократик ислохотлар мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутади, — деди у. Учрашув якунида томонлар ушбу мулоқотдан мамнунлигини, конструктив ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга тайёр эканликларини билдирди.

Икки мингга яқин ҳукумат қарори ўз кучини йўқотди

Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (lex.uz)даги ҳужжатлар сони 35 мингдан ошди.

Қонуности ҳужжатларнинг кўплиги қонунчиликдаги такрорланишларга, тафовут ва чалқашликларга сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини мураккаблаштиради, улардан фойдаланишда ноқулайлик келтириб чиқаради. Адлия вазирлиги бу муаммони бартараф этиш учун қонунчиликни тизимлаштириш орқали уларнинг айримларини қисқартириш ёки бошқача айтганда, кесиб ташлаш («тартибга солувчи гильотина») усулини қўлламоқда. Вазирлик таклифлари асосида 2020 йилда 500 га яқин ҳужжатни бекор қилишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қабул қилинди. Шунингдек, куни кеча Вазирлар Маҳкамасининг 2000 ҳужжатнинг ўз кучини йўқотишини назарда тутувчи қарори қабул қилинди. Мазкур бекор қилинган ҳужжатлар бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотган, бир марталик қоидаларни назарда тутадиган ёки муайян муддат давомида амалга оширишга мўлжалланган топшириқлардан иборат ҳужжатлар эди. Қонунчилик ҳужжатларини қисқартиришдан қўзланган асосий мақсад, ортиқча бюрократик тартиб-таомилларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолиятига инсбатан тартибга солиш юқини камайтиришдир. Қонунчилик базасини ҳаракатсиз ва амалда қўлланилмаётган ҳужжатлардан «халос этиш», пировардида, қонунчилик ҳужжатларидан фойдаланишда фуқаролар ва тадбиркорларга енгиллик яратади.

Муаттар БУРҲОНОВА, ЎЗА

Жараён

ЁШЛАР НИМАЛАРДАН ХАВОТИРЛАНИШЯПТИ?

Яқинда Ёшлар парламенти депутатларининг талабалар билан очик мулоқоти бўлиб ўтди. Қизиғи, бугунгача ёшларимизни энг кўп ўйлантираётган масала бу — ўзлари учун муносиб иш топиш деб ўйлардим. Мулоқот давомида эса ёшлар иш вақтининг номутаносиб тақсимланиши билан боғлиқ муаммоларга кўпроқ дуч келаётганлари маълум бўлди.

Талабаларнинг таъкидлашича, меҳнат қонунчилигига кўра, иш вақти соат 18:00 да тугайди. Лекин аксарият ишчилар бу вақтда қизгин иш устида бўладилар ва буни ташкилот ривожига қўшаётган ҳисса деб тушунишади. Лекин бу ёшларнинг китоб ўқиши, ўз устида ишлашлари учун қўшимча вақт топа олмагани ва олий ўқув юрларида олган қилимлари билан чекланиб қолишларига сабаб бўлаётган экан.

Маълум бўлишича, Бостон университетининг Куэстром бизнес мактаби профессорлари ҳафтасига 60 ва 40 соат ишлайдиган ходимлар эришган натижаларни солиштириб, деярли фарқ топмадилар. Негаки, ҳафтасига 60 соат ишлайдиган ходимнинг кутилмаган «стресс»лари натижасида иш самарадорлиги пасайган бўлса, 40 соат ишлаган киши ўзгача иштиёқ билан меҳнат қилар ва ҳатто қандайдир янгиликлар

яратишга ҳам муваффақ бўлар экан.

Финляндиялик олимлар ҳам ортиқча иш корхонага фойда эмас, зарар келтиришини илмий жиҳатдан исботлашибди. Финляндия меҳнатни муҳофаза қилиш институти томонидан ўтказилган тадқиқотлар ҳатто ортиқча иш туфайли пайдо бўладиган «стресс» уйқунинг бузилиши, кўп ичкилик, диабет, хотиранинг заифлашуви ва ҳатто юрак касалликларига олиб келишини кўрсатибди.

Агар Сиз ўз ихтиёрингиз билан узоқ ишласангиз ҳам хатоларингиз шунга яраша бўларкан. Бунда ишловчиларнинг атиги 3 фоизигина самара кўрсатиши мумкинлиги айтилмоқда. Қолганлар эса ортиқча меҳнат натижасида қўшимча касалликларга йўлиққанини сезмай ҳам қоладилар.

Хулоса қилиб айтганда, қонунларимизда кунлик иш вақти 8 соат тарзида белгилангани бежиз эмас. Лекин биз ана шу қоидаларга амал қилмасак, аввало ўзимиз учун, сўнгра жамият учун зарар етказиб қўйишимиз ҳам мумкин экан. Шунинг учун айрим ёшлар меҳнат жараёнига қиришга ховотир билан қараётганларини таъкидламоқдалар.

Самандар ИСМОИЛОВ,
Ёшлар парламенти аъзоси



Кейинги пайтлардаги шеър ва адабиёт бизга керакми ўзи, деган баҳсларни эшитиб Буок Британия бош вазири Черчилль билан бўлиб ўтган бир воқеа эсимга тушиб кетди. II Жаҳон уруши пайтида немислар Лондонни самолётлардан бомбардимон қилаётганда бункерда ишлаётган Черчиллнинг олдида мамлакат бюджетини тасдиқлаш учун олиб келишади. Шунда бюджетни синчиклаб кўриб чиққан бош вазир масъуллардан бюджетда маданиятга (тил, адабиёт ва санъат) нега бир тийин ҳам ажратилмаганини сўрайди. Улардан бири уруш пайти бунинг нима кераги бор, дейди. Шунда Черчилль «Булмаса ўзи биз нима учун урушяпмиз?» деб жавоб берган экан! Тил ва адабиёт миллатнинг ўзаги ҳисобланади. Улар ҳар доим давлатнинг диққат марказида бўлиши керак.

Жамолiddин ТУРДИМОВ
саҳифасидан олинди.

ИЖТИМОЙ ТАЪРИФ

бир бутун устун



REPUBLIKA MA'NAVİYAT VA MA'RIFAT MARKAZI



Президентимиз Шавкат Мирзиёев маънавий-маърифий ишлар тизimini тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида иқтисодиётни жамият ҳаётининг танасига, маънавиятни эса унинг жони ва руҳига қиёс қилгани Янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу икки устунга, яъни бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт ва аждодларимизнинг бой мероси ва миллий кадриятларига асосланган кучли маънавиятга ҳар қачонгидан ҳам эътиборлироқ бўлишимиз кераклигини аниқлади.

Давлатимиз раҳбари бундан уч-тўрт йил аввал ҳам «Маънавият энг таъсирчан ва қудратли қуролимиздир», деган эдилар. Видеоселектор йиғилишида ҳам ана шу руҳ устуворлик қилди.

Унда лоқайдлик ва бепарволик барча иллатларнинг ибтидоси экани уқтирилиб: «Терроризм, экстремизм, транс-миллий ва кибер жинойatchилик, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар хавфи ошиб бормоқда. Баъзи ҳудудларда атайин беқарорлик юзага келтирилиб, норозилик кайфияти авж олдирилмоқда. Бундай таҳликали вазиятда ҳушёр ва огоҳ бўлиб, халқимизнинг тинчлиги, мамлакатимиз манфаатларини ўйлаб яшаш зарурлиги таъкидланди.

Сир эмаски, илоҳий неъмат саналган сўздан дўст ҳам, душман ҳам фойдаланади. Аммо асосий гап ким ундан қандай фойдалана билишида. Чунки сўз тузади, сўз бузади, ободлик ҳам, барбодлик ҳам, олқиш ҳам, қарғиш ҳам сўздандир. Бунёдкор гоёлар ҳам, бузғунчи-вайронкор гоёлар ҳам сўз билан. Шундай экан, ундан ким тўғри фойдаланса, ўз мақсадига эришаверади. Халқ қалби, онги учун кураш ҳамон давом этаётгани сир эмас. Ёт гоё – ёв гоёнинг тарғиботчилари ҳаёт ҳақида онқадар тажрибаси бўлмаган, ҳар хил таъсирларга берилувчан ёшлар онгига соатбай эмас, балки дақиқабай тарзда ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилаётгани ҳам Давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида таъкидланди. «Миллий ўзлик ва маънавий кадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортомқда. Фақат ўзини ўйлаш, меҳнатга, оилага енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти турли йўللار билан одамлар, айниқса, ёшлар онгига устамонлик билан сингдириляпти...

Ҳазрат Алишер Навоийда шундай ҳикмат бор: «Душман мақолоти – банг хаёлоти». Бу душманнинг ширин сўзига, алдовига учиб гумроҳ бўлмаслик ҳақидаги ҳикматдир. Чунки ғанимнинг жимжимадор, мулоим сўзи инсонни мисоли банг чеккан бангнинг ҳолатига туширади. У ўзини идора қилолмайдиган иродасиз, субутсиз кишига айланиб

қолади. Бангдан сархуш кимса учун оқибатнинг ҳам, охира-нинг ҳам моҳияти йўқ. Бундан англашиладики, ёшлар онгига устамонлик билан сингдири-лаётган ёт гоёларга қарши қурол бизда ҳам бўлиши керак. Жаҳолатга қарши маърифат билан баҳсга киришиш учун эса тил имкониятларидан, фикр тарбиясидан фойдала-ниш кераклиги аён. Ёт, яъни ёв гоё тарафдорларига зарба бе-риш учун риторик маҳоратга, нотиклик санъатига эга бўлган кучли тарғиботчилар гуруҳини шакллантириш керак. Акс ҳолда, ёв гоё ўз устунлигини намоён этавериши мумкин.

Юртбошимиз томонидан ўринли таъкидланганидек, камбағалликни қисқартириш учун анча ишлар қилинапти ва натижаларга ҳам эри-шяпмиз. Бироқ маънавий қашшоқликни қисқартириш, фикр қарамлигидан қутулиш анчайин оғир юмуш экани яққолроқ сезилмоқда. Хўш, қандай қилиб, таъсирчан таъ-лим ва тарбия механизмини яратиш мумкин? Давлатимиз



“ Дарахтнинг бўшига қурт тушиб, уни тамомила қуритгани каби бепарво кишиларни ҳам жаҳолат ўз домига тортади. Ғофил кимса эса аслида ўз юртининг кушандасидир. Уни жоҳилият қурти еб битиради.

раҳбарининг «болаларимизни қўлидаги телефони тарбияла-япти» деган гаплари ҳам бугун ҳар биримизни ўйлантириши лозим. Ана шу митти қурилма орқали ҳар хил бузуқлик ва уйдирмалар бир томондан, уларнинг ахлоқиқа салбий таъсир этса, иккинчи томон-дан, ёт гоё манфаатига хиз-мат қилаётганини инкор этиб бўлмайди.

Президент бундай жараён-да огоҳлик давр талаби экани-ни эслатиб, иккита машхур иборани келтирдилар. «Дарахтнинг бўшини қурт ейди», «Сен ухлаганингда душман уйғоқ бўлади».

Дарахтнинг бўшига қурт ту-шиб уни тамомила қуритгани каби, бепарво кишиларни ҳам жаҳолат ўз домига тортади. Ғофил кимса эса аслида ўз юртининг кушандасидир. Уни жоҳилият қурти еб битиради. Илдизимиз, мустаҳкам бўлса, ҳеч қандай ёт гоё панд берол-майди. Бунинг учун билим, илм-маърифат, маънавият устунига суяниш керак бўлади. Бу эса фикр тарбиясига, ақл-анжисмонан соғломлик, қалбдан уйғоқ бўлиш, таъсирчан тех-нологияга боғлиқ. Агар фар-зандларимизни ўзимиз етак-ламасак, уларни бошқалар етаклаб кетиши муқаррар. Болаларни эргаштира олиш уларнинг физиологияси, ёши, биологик ва психологик ҳу-сусиятларидан келиб чиққан ҳолда, иш тугиш зарурати-ни аниқлади. Давлатимиз раҳбари аввал ҳам ёшларнинг бўш вақти ёвнинг иш вақти мазмунидаги фикрларни бил-дириб, ҳар биримизни серга-клик ва зийракликка чорлаган эдилар. Бу эса иродаси суст, мафкуравий иммунитетни бўш

ёшларни ана шундай гирдобга тушиб қолмаслиги учун барча таъсирчан технологиялардан фойдаланиш кераклигини аниқлади. Бу айни пайтда тарбияда танаффус бўлмайди, деган халқ нақлининг нақадар асосли эканини ҳам кўрсатади. Давлатимиз раҳбари ижти-моий муаммоларни камайти-риш учун нуронийлар тарбия-си, жамоатчилик назорати етишмаётганига ҳам эътибор қаратдилар. Жамоатчилик назорати эса оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг узвийликда узлуқсиз иш олиб боришлари лозимлигидан да-лолат ҳамдир.

Буларнинг барчаси маъ-рузада эътироф этилгани-дек, ижтимоий-маънавий муҳитнинг илмий асосда таҳлил қилинмагани, жами-ятимизда маънавий-маъри-фий ишлар тизимли равишда йўлга қўйилмагани натижа-сидир. Ўз ишини чуқур ҳис этадиган, воизлик маҳоратини қўллаб оладиган тарғиботчи-ларнинг кучидан, интеллектуал салоҳиятидан ўз вақтида, ўринли фойдала-маслик оқибатида эса маъри-фий ҳаракатларимиз бесамар кетиши мумкин. Бунинг учун риторик билим, кўникма ва малакага эга, коммуникатив-лиги билан ажралиб турадиган тарғиботчиларни тарғиботчиларни даставвал саралаш, танлаш керак. Сўздан сўзининг фарқи, ўттиз икки нархи борлигини билганлар етук технология-га, тажрибага эга бўлган тарғиботчиларнинг қадрига етади. Худди шу талаб боис йиғилишда Республика Маъ-навият ва маърифат маркази ишини танқидий ўрганиб чиқиш, фаолиятини тубдан

такомиллаштириш зарурлиги уқтирилди.

Йиғилишда маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари белгиланиб, маънавият тарғиботи билан шуғулланаётган ташкилотлар-нинг фаолияти аниқ мувофиқ-лаштирилмаётгани, яғна тизимга бирлашмагани ҳамда бир-бирини тақрор-лаш ҳолатларидан нарига ўтмаётгани рўйроқ айтилди.

Маънавиятни муқаддас тутиш, унга муносабат юрт тақдирига, ватан келажига дахлдор эканини асло унут-маслик керак. Маърузада гоё-да ўринли ташбеҳий ифода келтирилди: «Экинга бирон бир қурт тушадиган бўлса, биз уни дарров дориллаб, чора-тадбир-лар кўриб, ўз ҳолатига келти-раемиз, балодан қутултираемиз. Маънавиятга қурт тушса нима қиламиз?» деган савол маъру-зада кўндаланг қўйилгани ҳам эътиборга молик.

Муаммонинг ечими бора-сида бир қатор тақлифлар ҳам билдирилди. «Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий» тамойили асосида ҳар бир маҳаллага профессор-ўқитувчи ва таниқли зиёлилар бириктирилиши, ёшларни ва-танпарварлик, миллий ифти-хор руҳида тарбиялаш, бунинг учун тарихни яхши ўргатиш, миллий тарихни миллий руҳ билан боғлиқлигини назарда тутиш, ёшларни тарихдан сабоқ олиш, ҳулоса чиқаришга ўргатиш фойдадан ҳоли эмас.

Ўзбек тилининг давлат тили мақомини кучайтириш, юрти-миз ва хорихда уни ўрганиш бўйича замонвий технологи-яларни жорий этиш юзасидан

кўрсатмалар берилгани эса янада қувонарлидир.

Ҳаётнинг ўзи янгича фикр-лаш ва ишлаш, миллий «ақл марказлари»ни шаклланти-ришни тақозо этмоқда.

Президент ана шу муаммо-га ҳам муносабат билдириб: «Афсуски, атрофимиздаги барча сиёсий-ижтимоий жараёнларни чуқур тушуниб, таъсирчан тилда етказиб бе-радиган таҳлилчи ва эксперт-ларимиз жуда кам», деган гапни айтдилар.

Маълумки, Давлатимиз раҳбари қай бир соҳанинг ри-вожи ҳақида мулоҳаза билдир-салар, учта муҳим тушунчага эътибор қаратадилар: сифат, самара, натижа. Буларсиз тараққиётни тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Маънави-ят ва маърифат масаласида ҳам ана шу тушунчаларнинг муҳим мезонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мум-кин: таъсирчан тил орқали мав-зу моҳиятини еткази оладиган эксперт, таҳлилчи, тарғиботчи маҳоратини ошириш, китоб-хонлик маданиятини кенгайти-риш, кино санъатини изчил ри-вожлантириш, барча телека-наллар қошидаги баддий кен-гашлар фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, теледастурлар савиясини ошириш ва миллий «ақл марказлари»ни шаклланти-риш.

Хўш, бизда маънавий-маъ-рифий жабҳадаги муаммолар-нинг ечимини ҳал этадиган, юқорида қайд этилган салбий таъсирларнинг олдини олиб, уларга қарши кураша олади-ган замонвий технология, методология борми, шундай механизм ишлаб чиқилганми?

Бу масалага ойдинлик киритадиган, ўз тақлиф ва тав-сиялари билан 36 соатлик ўқув-амалий дастурига эга бўлган «Нотиклик санъати ака-демияси» таълим муассасаси бор. Бунда назарий маълумот ва амалий машғулотнинг чам-барчас боғлиқлиги, уйғунлиги эътиборга олинган бўлиб, у тарғиботчини босқичма-босқич тайёрлашга, тафаккур тарзи, талаффуз даражасини сайқаллаштириш асосида фикр тарбияси ва нотиклик маҳоратини такомиллашти-ришга қаратилган.

Хулоса ўрнида шуни ай-тиш керакики, илмга асослан-маган соҳанинг келажаги бўлмаслигини, маънавият ва-зифаси шу соҳа вакилларига тааллуқли бўлиб қолмасдан, оддий ходимдан тортиб раҳбарларгача барчаннинг бирдек муаммоси бўлишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Жамиятнинг жон ва қон томири бўлган маънавият ва маъри-фат моддиятдан куч олиши табиий. Президентимиз маъ-рузасидаги «Иқтисодиёт керак, лекин маънавият биринчи ўринда туриши керак», деган фикрларни ҳаммамиз учун дастуриламал бўлиши шарт.

Зеро, иқтисодиёт ва маъна-вият жамиятнинг мустаҳкам икки таянч устунли сифатида бир бутун бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу эса мамлака-тимиз ҳаёти ва тараққиётининг пойдеворидир.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
«МАЪРИФАТ»
тарғиботчилар
жамияти аъзоси,
доценти.

Кутинг!

2 йил ичида тирбандлик сабаб тошкент шаҳри йўлларида автолар тезлиги 20 км. дан ошмай қолади...

Келгуси сонларда

✓ Жаҳон тажрибаси

Ўзбекистон ноширлари халқаро китоб кўргазмасида иштирок этди

Минск шаҳрида XXVIII халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон тарафдан «Ўзбекистон» ва Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари вакиллари иштирок этишди.

Ярмарка доирасида бир қатор давлат нашриётлари билан ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, Беларусь, Россия, Тожикистон, Қирғизистон, Украина, Эрон, Туркия ва бир қатор давлат нашриётлари

«Ўзбекистон» нашриёти билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирди.

Китоб кўргазмаси якунида Ўзбекистон делегациясининг фаол иштирок этишига ёрдам кўрсатган Ўзбекистоннинг Беларусдаги элчи-хонаси тақдирланди.

«Ўзбекистон» ва Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари билан Беларуснинг «Бел-кига» китоблар тармоғи ташкилоти ўртасида меморандум имзоланди.

ЎЗА



ҚАДАРСИЗ



КЎМИЛГАНЛАР

«Сталин шахсига сиғиниш йиллари Ўзбекистон халқлари бошига ҳам оғир кулфатлар солди. 1937-1939 йилларда Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг «учликлари» томонидан 41 мингдан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафари судланди, 6920 киши эса отиб ташланди...»

Бу сатрлар узоқ йиллар халқ таълими тизимида фаолият олиб борган ижодкор-педагог ҳамюртимиз Ваҳобжон Маннобжоновнинг «Мозийдан садо» номли китобидан олинди. Китобда қайд этилган рақамлар замирида тарихнинг энг оғир ва азобли кунлари мужассам десак хато бўлмайди. Зотан, дунёга илм ва маърифат нурини сочган, ўзининг тарихий илдиэрига, бетакрор алломаларига эга юрт, буюк миллат фарёди бугун тарихнинг тилсиз кучоғига сингиб кетган. Аммо тарих ҳеч нарсани унутмайди. Шу маънода ҳам Қатағонга учраган инсонлар тақдири бизни ўтмиш билан юзлаштириб, бахтиёр онларга шукрона айтишга ундамоқда.

Косонсойликлар ҳам қатағон йилларининг совуқшамолдан четда қолмадилар. Қанчадан-қанча инсонлар ана шу гирдоб қурбонига айланишди. Улар ҳақида сўз кетганида, энг аввало, онги уйғоқ, руҳи баланд ва тафаккури ўткир мисол – халқ орасида Носирхон тўра исми билан танилган Носирхон тўра Саййид Камолхон тўра ўғлини ёдга олиш ўринли.

Носирхон тўра 1871 йили Косонсой туманининг Шайхон қишлоғида туғилган. У Туркистон мухторияти ҳукумати маориф вазири (1917-1918), совет ҳокимиятига қарши олиб борилган ҳаракат раҳбарларидан бири, йирик уламо сифатида ҳам эътибор қозонган эди. Дастлаб Бухоро, сўнг Қобул, Деҳли, Бағдод ва Ҳижоз шаҳарларида таҳсил олган Носирхон тўра 1912 йили Туркистонга қайтади. Кўп ўтмай, Наманган шаҳар қозиси сифатида иш олиб боради, 1913 йилдан бошлаб эса жадидчилик ҳаракатида фаол қатнаша бошлайди. У «Шўроий исломия» ташкилотининг Наманган шўъбаси раҳбари, Наманган шаҳар Думаси аъзоси сифатида 1917 йил 26-28 ноябрда бўлиб ўтган Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқуллода IV курултойининг ўтказилишида ҳам жонбозлик кўрсатган.

1918 йилнинг февраль ойида мухторият ҳукумати большевиклар томонидан ағдарилгач, Носирхон тўра бир йил мобайнида яширин ҳаёт кечиради. 1919 йилда эса Косонсойда «Миллий иттиҳод» ташкилоти ячейка-

гани ташкил қилгани маълум бўлгач, қамоққа олинади ва 1924 йилда Оренбургга сургун қилинади. Орадан тўрт йил ўтиб – 1928 йили сургундан қайтган Носирхон тўра мавжуд тузумга қарши янада фаолроқ кураш олиб боради. Натижада «Тарихи Туркистон», «Оренбург мактублари эсдалиги» ва бошқа асарлар муаллифи бўлган Носирхон тўра 1928 йилнинг 3 сентябрида отувга ҳукм қилинади.

Аммо Носирхон тўранинг ўлими ҳам ушбу сулола вакиллари бошидаги қора булутларни тарката олмайди. Кўп ўтмай, унинг ўғиллари Ҳасанхон Тўраев, Дадахон эшон Носирхон, Турсунхўжа Тўраевлар ҳам отувга ҳукм қилинадилар. Ҳатто Носирхон тўранинг қайноғаси Сайдулло Мақсудов 5 йиллик муддатга қамалади.

Маълумотларга кўра, ўша пайтда Косонсойда миллий озодлик ҳаракатига қўшилиб, сўнгра қатағон қилинганлар жуда кўп бўлган. Бироқ бугунга келиб, туман тарихи музейида 50 нафардан ортиқ қурбонлар ҳақида маълумотлар тўпланган, холос. Носирхон тўранинг тоғаси Акрамхон Тўра, Қурбон Давлатов, Қаландархўжа, Хўжамуҳаммадбой, Акрамхон Валатов, Саидвалатхўжа, Абдувоҳид полвон, Парпихон дума, Эшматбой, Жуман полвон, Мамажон командир, Иброҳимбой, Асрақулбой, Одилов Ҳожи Қорихонов каби зиёли инсонлар ана шу рўйхатлардан жой ол-

ганлар. Уларнинг аксарияти узоқ йиллар давомида қамоқхоналарда ётган бўлса, яна бир қисми отувга, бошқалари эса сургунга ҳукм қилинганлар.

Гарчи айрим тарихчилар истиқлолга қон тўкишларсиз эришганмиз, десалар-да қанчадан-қанча аждодларимиз истиқлол йўлида қурбон бўлганларини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Уша пайтларда собиқ тузум мафқурасига кўра, маҳаллий аҳолининг зиёли қатлами шўро ҳукуматига барибир қарши чиқади, деб уларнинг аксарияти халқ душманига чиқарилганлар.

Юракка оғриқ берадиган яна бир жиҳат шундаки, қатағон қурбонлари орасида хотин-қизларнинг ҳам борлиги эди. Хусусан, Энахон Алохўжаева, Ўғилхон Алохўжаева, Ҳалима Олимжон қизи каби аёллар ислом динини яхши билганлари учун ҳам она ватанидан сургун қилиниб, турли муддатларга қамоққа ташланганлар.

Ҳа, чиндан ҳам мустақиллик бизга нафақат эркинлик, балки умри ҳазон бўлган, ҳаёти азоб-уқубатлар исканжасида ниҳоя толган мингминглаб аждодларимиз номи оқлинидиқ неъматни ҳам туҳфа этди.

Муҳаббат ТЕМИРОВА,
Косонсой туман Халқ таълими бўлими маънавий-ахлоқий тарбия ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш шўъбаси раҳбари

Маҳаллий кенгашларда

Қашқадарё вилояти

Депутат қатағонликларни тушунди

Жорий йилнинг январь ойида халқ депутатлари Яккабоғ туман кенгаши депутати Сайёра Муҳаммадиевага Қатағон қишлоғи аҳолиси мурожаат қилиб, қишда лой, ёзда эса чангга бурканидиган ички йўллари таъмирлашда ёрдам сўраган эди.

Депутат муаммони жойига бориб ўрганганидан кейин Яккабоғ туман ҳокимлигига депутат сўрови юборди.

Туман ҳокимлиги ҳам депутатни кўп куттирмай, ушбу сўров асосида мутасадди идораларга топшириқ берилганини маълум қилди. Шу тариқа Қатағон қишлоғининг қарийб 3 км. дан ортиқ ички йўллари таъмирланди.



Икки киши иш билан таъминланди

Тома-тома кўл бўлади, деганларидек, халқ депутатлари Қашқадарё вилояти депутат Дилфуза Жалилованинг ёрдами билан икки фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Депутатдан иш топишда ёрдам сўраганларнинг бири – Ғузор туманидаги «Хўжагузар»

маҳалласи, Ғофур Ғулом кўчасида яшовчи Ҳалима Хайдарова туман ободонлаштириш бўлимига, Дўстлик маҳалласида яшовчи Азизбек Мейлиев эса Сугурта компанияларининг бирига ЭХМ оператори вазифасига ишга жойлаштирилибди. Қойил Дилфузахон... Ҳаракатлардан чарчаманг!

Навоий вилояти

«Ижанд»да ҳам депутатни «ғийбат» қилишяпти



Халқ депутатлари Навбахор тумани Кенгаши депутати А.Еркуловнинг ташаббуси билан «Ижанд» қишлоғи тепа қисмидаги қир-адирлар бўйида фойдаланилмай ётган 10 гектар ерда бог яратилди. Маҳаллий аҳолининг айтишича, бу ерга сув чиқариш учун 2 та тик қудуқ қазилиб, насос ўрнатилган. Богнинг атрофи тўлиқ ўралиб, унга ўрик, шафтоли, нок, олма, ёнғоқ каби 4 мингга яқин кўчатлар Фарғона вилоятининг Кува туманидан келтириб экилган. Шу кунларда кўчатлар орасига ишлов берилиб, ҳар 2 гектардан жойларга картошка, помидор, қовун-тарвуз ва бошқа сабзавот экинлари экилди. Депутатнинг маълум қилишича, бу ерда 20 та қорамол ва курка ҳам боқилмоқда. Энг асосийси 2 та янги иш ўрни яратилгани айтилмоқда.

Сиймо

«Хатолиғ»лардан қолган эзгу мерос



Бобур маънавияти, қалби гўзаллиги қалами орқали сатрларига тушган бўлса, нафис газал ва рубойилари туркий шеърятининг нодир дурдоналари дунё адабиётидан муносиб жой олди. «Мубай-ин» («Баён этилган»), «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши», Аруз ҳақидаги рисоалари эса ислом қонуншунослиги, шеърят ва тил назарияси ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Шоҳ Бобур «Мубайян» асарини ўғиллари Носируддин Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга бағишлаган бўлса-да, улар тимсолида бутун оммага фикҳий масалалардан сабоқ берди, десак хато бўлмайди. Бобур Мирзо «Мубайян» хотимасида: «Эй Бобур, бу китоб таснифида агарчи ранж чеккан бўлсам-да, кўлимга шундай бир ганж-ҳазина кирдики, ҳар қандай ганж харж этиш билан камайиб боради, аммо бу маънавий ганж – бу илм хазинаси харж этган сари тобора ортиб боради», деб ёзади.

Ҳиндистонга юриш қилган аксарият подшоҳ-хукмдорлардан фарқли ўлароқ, Бобур ушбу мамлакат бойликларини талон-тарож қилмади. Ҳиндистонни ўз юртидек обод этиб, юксак жаҳоний маданиятни олиб кирди. Энг муҳими, Бобур Мирзо салтанати идора этишда халқ хоши-иродасини инобатга олар, унинг манфаатларини кўзлаб иш тутарди. Зеро, маданият, маъ-

навият, яратувчанлик Бобур давлатининг устувор йўналишлари эди. Давлатчиликда эса буюк сулола – Темурийлар эришган муваффақиятлардан самарали фойдаланди. У ифтихор билан «Темурия салотини дастури билан тўшак устида (яъни, тахтада) ўлтирур эрдим», деб ёзган эди. Ўғли Муҳаммад Ҳумоюнга йўллаган мактубларидан бирида: «Ҳазрат соҳибқирон Амир Темурнинг иш юртишлари доимо ёдингда бўлсин. Шунда давлатинг маъмур ва пухта бўлади», деб тайинлаган экан.

Бобур саройда туркий тилни жорий қилганини ҳам шу тилда илмий мунозаралар, мушоиралар ташкил этиб, туркий тил мавқеини кўтарганини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз.

Қисқа вақт ичида Бобур Ҳиндистонда сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, ерларини бирлаштириш, шаҳарларни обод этиш, савдо-сотикни тўғри йўлга қўйиш, боғ-роғлар яратиш ишларига раҳнамолик қилди. Бундай фазилатлар унинг авлодларига ҳам мерос сифатида ўтди: хозиргача машҳур бўлган маъморий ёдгорликлар, боғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар унинг ўғиллари ва авлодлари ҳукмронлиги даврида ҳам давом этди. Дунёнинг саккизинчи мўъжизаси дея тан олинган Тожмаҳал эса Бобурийлар салтанати даврида бунёд этилган энг гўзал обида бўлиб қолди. Бобурийлар давридаги маданий муҳитнинг Ҳиндистон учун аҳамияти ҳақида Жаваҳарлаъл Неру шундай ёзган эди: «Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига туташиб кетди».

У ўз фарзандларига илму маърифат, чиройли тарбия, юксак имон-эътиқодни мерос қолдиришни ҳам бурчи, ҳам оталик қарзи деб билди. Бобур салтанати – у ўтказган дарахт Ҳинд тупроғида оз эмас, кўп эмас – 332 йил яшади.

Моҳочехра РУСТАМОВА,
Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси

Ангиз ўсган ерларда отлар бевақт ўлмагай,
 Яхши бўлса аёллар эрлар юзи сўлмагай.
 Қайси юртда чинакам ботир бўлса йиғитлар,
 Ўшал юртнинг эллари ёвларга қул бўлмагай.

От минмаган от минса, чопа-чопа ўлдирар,
 Боғ кўрмаган боғ кўрса, пайхон қилар, сўлдирар.
 Хушёр бўлгил, жон элим, элдай сақла элингил,
 Ёвларингга йўл берсанг, поймонангни тўлдирар.

Бош кесилса, ёронлар, сочга мотам тутилмас,
 Қон қусилса, ёронлар, ичга сувдек ютилмас.
 Қай бир миллат тупроғин топтар экан маккор ёв,
 Ўзигин билганларнинг бахти асло бутунмас!

Аргумогларга мининг,
 Ғолиб қилч ёр бўлсин!
 Бу дунёда ҳар кимнинг
 Ўз Ватани бор бўлсин!


АЗИМ СУҲУН


Юрак учун помидор енг

1. Эрта сахарда анор, тушда пиёзли овқат, кечқурун ухлаш олдидан асал ейилса, қон кўз ёшидек тиниқ бўлади. Бу, юрак фаолияти учун жуда зарур.

2. Бугдой келаги қўшиб тайёрланадиган нон, суяқ бўтқа, атала ейиш юрак хуружига қарши фойда беради.

3. Юрак ўйноғида, бош айланишида лимоннинг нафи тегади.

4. Юраги хаста одам кишиши узуми пишган мавсумда ҳар куни ундан иложи борича кўпроқ еса, шифо топади.

5. Юрак фаолиятини яхшилаш учун зира солинган овқат, ёнғоқ, шолғом димламаси, мўмиё, кунжут ёғи, тут меваси истеъмол қилиш, заъфарон солинган чой ичиб туриш керак.

6. Куритилган ўрикдан 500 грамм олиб, 3 литр идишга қайноқ сув билан дамланади. Бу ўрик шарбатидан кунига 3 маҳал овқатдан ярим соат олдин бир пиёла ичилади.

7. Беҳи уруғини янчиб истеъмол қилиш юрак хасталигига даво.

8. Помидор юрак фаолиятини яхшилади.

9. Кўк чой қонни суялтиради, томирларни кенгайтиради, қон юришини яхшилади.

@Shayx_Hazrat



Жанубий Корея ҳукумати 16 ёшгача бўлган болалар учун ярим тундан эрталаб соат 6:00 гача онлайн ўйинлар ўйнашга тақиқ ўрнатди. Агар ўйин компанияси ушбу қонунни бузса, у катта миқдорда жаримага тортилиши, мазкур қонунбузарликка жавобгар мансабдор шахс қамоққа олиниши мумкин.

Чехияда энди икки қават қилиб тақилади...

Чехия аҳолиси 25 февралдан бошлаб одамлар тўпланадиган жойларда агар респираторлар ёки нанокиқоб бўлмаса, оддий никобни бир йўла икки қават қилиб тақиб юриш мажбурий қилиб белгиланди.

Мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбари Ян Блатни, ҳукумат шундай қарор чиқаришга коронавируснинг британча штамми тарқалгани сабаб бўлганини маълум қилди. Янги тартиб савдо дўконлари, касалхоналар, жамоат транспорти ва автобекатларда амал қилади.

Чехияда фавқулдда вазият режими жорий қилинган, мамлакат фуқаролари соат 21:00 дан 5:00 гача комендантлик соатига амал қилиши лозим. Хеб, Соколов Трутнов шаҳарларида чиқиш ҳам, кириш ҳам тақиқланган, чунки ушбу шаҳарларда COVID-19 билан касалланганлар сони мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан уч-тўрт баробар кўп, дейилади хабарда.

ЎЗА

Олимлар техноген чиқиндидан мис, олтин ва кумуш ажратиш олишга эришди

Бунга Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатларида тўпланган 3 миллиард тонна техноген чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича олимлар яратган технология имкон беради.

Бу И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети қошидаги "Фан ва тараққиёт" давлат унитар корхонасида техника фанлари доктори, профессор Маҳмуджон Якубов раҳбарлигида олиб борилган бир қатор илмий-тадқиқот лойиҳалари натижасида яратилди.

Олим Олмалик кон-металлургия комбинатидан техноген чиқинди ҳисобланувчи клинкернинг тикловчи хоссаларидан фойдаланди.

Шу тариқа клинкер тар-

кибидаги мис, олтин ва кумуш металлларини ажратиш олишга қаратилган қайта ишлаш қуввати юқори бўлган ва энергия тежамкор технология яратилди.

Ушбу илмий лойиҳаларни амалга оширишда Олмалик кон-металлургия комбинати раҳбарияти ва муҳандислар гуруҳи амалий ёрдам кўрсатди.

Энг асосийси, олимлар томонидан ишлаб чиқилган ва жорий этилган янги технология ёрдамида кон-металлургия комбинатларида йилга қўшимча 792,584 тонна мис, 43,3935 кг олтин ва 10915,68 кг кумуш ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Унинг йиллик иқтисодий самараси эса 15 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Айтиб ўтиш керакки, тоғкон ва металлургия соҳаси саноат тармоғида ялпи ички маҳсулотнинг 9,2 фоизи яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан соҳага оид илмий-тадқиқот лойиҳалари қўллаб-қувватланмоқда. Вазирлик хузуридаги Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоёларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали фойдали лойиҳалар молиялаштирилмоқда.

Айни пайтда геология соҳаси бўйича илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида жами 8,9 миллиард сўмлик 26 амалий лойиҳа бажарилмоқда.

2020 йилда геология соҳасидаги илмий фаолиятга оид давлат дастури танловларида 6,25 миллиард сўмга тенг 5 лойиҳа грант маблағи ва Навоий ҳамда Олмалик кон-металлургия комбинатларининг маблағлари ҳисобидан тенг шерикчиликда молиялаштирилди.

Шаҳноза КОМИЛОВА,
 Инновацион ривожланиш вазирлиги Саноатни ривожлантириш бўлими бош мутахассиси.



Ёсихидэ Суга ўғли расмийлар билан овқатлангани учун узр сўради

Хабарларга кўра, Япония бош вазири Ёсихидэ Суга ўғли Сейго Сугининг Ички ишлар ва алоқа вазирлиги расмийлари билан кечки овқатда ноўрин иштирок этгани учун узр сўраган.

«Мен расмийлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларини бузишига олиб келган ҳаракатларда ўғлимнинг иштироки учун узр сўрайман», — деб таъкидлаган Ёсихидэ Суга.

Сейго Суги «Tohokushinsha Film» продюсерлик компаниясида ишлайди. Ички ишлар ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги бу каби компанияларга зарур бўлган лицензияларни беради.

ДУНЁДАГИ ЖУРНАЛИСТЛАР ЭНГ КЎП ҚАМОҚҚА ОЛИНАДИГАН МАМЛАКАТЛАР

Таъқиб қилинган журналистлар сони бўйича етакчи давлатлар

| | |
|--------------|----|
| Хитой | 47 |
| Туркия | 37 |
| Миср | 27 |
| Саудия Араб. | 24 |
| Эритрея | 16 |
| Эрон | 15 |
| Ветнам | 15 |
| Россия | 10 |



Демократиянинг асосий меъзонларидан бири бу сўз эркинлиги бўлиб, бунда журналист ва блогерларнинг эркин фаолияти ҳам назарда тутилади. Журналистларни муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан берилган маълумотларга кўра, энг кўп журналистлар қамоққа олинадиган мамлакатлар орасида Хитой етакчи ўринда туради.

Утган ҳафта Хитойда суд журналист Чжан Чжанни Ухандаги вирус эпидемияси ҳақида биринчи бўлиб ҳисобот бергани учун тўрт йилга озодликдан маҳрум қилди. Чжаннинг бўм-бўш кўчалари ва тўлиб-тошган шифохоналар тўғрисидаги маълумотлари ҳукуматнинг ҳикоясига мос келмас эди, унинг адвокати билдиришича, журналист «жанжал келтириб чиқариб, жамоатчилик тартиб қоидаларини бузиш» айби билан қамоққа олинган.

Бу ҳукмдан аввал ҳам, бутун дунё бўйлаб журналистлар энг кўп ҳибсга олинган давлатлар рўйхатига Хитой киритилганди. Чин юрти бу сафар ҳам дунёдаги энг ашаддий журналистлар зиндони номига «сазовор» бўлди.

Кейинги ўринларни Туркия ва Миср давлатлари эгаллаиди.

@burchakostida

2020 йил, 15 декабр ҳолати

Манбаа: Журналистларни муҳофаза қилиш фонди

ЎЗБЕКИСТОН
 «МИЛЛИЙ
 ТИКЛАНИШ»
 ДЕМОКРАТИК
 ПАРТИЯСИНИНГ
 ИЖТИМОЙ-
 СИЁСИЙ
 ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
 Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аббор ПЎЛАТОВ,
 Амридин БЕРДИМУРОДОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
 Илхом АБДУЛЛАЕВ, Минҳожиддин МИРЗО,
 Нодир МУХТОРОВ, Отабек ЖИЯНБОВЕВ,
 Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ,
 Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
 Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ, Шавкат ШАРИПОВ,
 Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:
 Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
 Миробод тумани,
 Буюк Турон кўчаси,
 41-уй.
 Газета тахририят
 компьютер
 марказида терилди
 ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри
 тахририят нуқтаи
 назаридан фарқ
 қилиши мумкин.

Тахририятга келган хатлар доимий
 эътиборимизда бўлиб, улар
 муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир:
 Равшан МАҲМУДОВ
 Навбатчи:
 Вилоятхон ШОДИЕВА
 Дизайн:
 Маммуристон ҚУДРАТОВ

Электрон почта:
 mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида
 чоп этилди.
 Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
 агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
 Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.

Адади – 4109.
 Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
 Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ
 Буюртма – 216
 Босишга топшириш вақти 21.00.
 Топширилди 3:20

ISSN 2010-7714

123456